АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ ҲАРБИЙ АСИРЛАРНИНГ МЕҲНАТИ ВА ТАҚДИРИ (1943-1948 йй.)

М.Қ.НАЗИРХЎЖАЕВ

Мақолада Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон ҳарбий асирларининг Андижон вилояти ҳудудидаги лагерларга жойлаштирилиш сабаблари, лагерлардаги шарт-шароитлар, ҳарбий асирларнинг вилоят халқ хўжалигида меҳнатга жалб этилганлиги ҳақида таҳлилий маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: *Квантун армияси, япон ҳарбий асирлари, ҳарбий асирлар лагери, махсус соғломлаштирув лагерлари.*

В статье рассматриваются причины размещения японских военнопленных в лагерях, расположенных на территории Андижанской области; представлены материалы об условиях их содержания, трудовой деятельности в народном хозяйстве данного региона.

Ключевые слова: *Квантунская армия, японские военнопленные, лагеря для военнопленных, специальные оздоровительные лагеря.*

In this article the author touches up on questions, concerning the life of prisoners-of-war on the territory of Andijan Region. He also studied the conditions of life in the war-camps and contribution of prisoners-of-war in agriculture of this region.

Key words: *Quantum army, Japanese prisoners of war, war camp, special recovery camp.*

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида аянчли из қолдирди, бу уруш нафақат қурбон бўлганлар сонининг кўплиги, балки талофотлар ва вайронагарчиликларнинг улканлиги билан ҳам бошқа урушлардан фарқ қилади. Иккинчи жаҳон урушига доир масалалар кўплаб адабиётларда бир ёқлама ёритилган бўлиб, асосий эътибор уруш қурбонлари ва йўқотишларга қаратилади. Уруш тугаганидан сўнг рақиб армияси сафида туриб жанг қилган, асирликка тушган аскар ва зобитлар тақдири ҳақидаги маълумотлар кам учрайди. Бундай маълумотлар, асосан, уруш натижасида асирликка тушганларнинг сони ҳақидаги рақамлар билан чекланади. Аксарият асирларнинг асирликдаги ҳаёти ва тақдири номаълумлигича қолар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Иккинчи жаҳон уруши ҳарбий асирлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга эътибор кучайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида қўлга олинган асирларни сақлаш ва улардан фойдаланиш мақсадида собиқ шўро мамлакатининг турли хил ҳудудларида 100дан ортиқ ҳарбий асирлар лагерлари ташкил этилган эди. Собиқ иттифоқнинг кўплаб республикалари қаторида Ўзбекистонда ҳам НКВД*га бўйсунувчи ҳарбий асирлар лагерлари ташкил этилган. Жумладан, Андижон вилоятидаги 26-ҳарбий асирлар лагери махсус лагерлар қаторига кириб, мазкур лагерга кўпроқ япон армиясида юқори лавозимларда ишлаган зобитлар юборилган.

Андижондаги махсус соғломлаштириш лагери ЎзССР ИИВнинг 1943 йил 13 майдаги №0061 сонли буйруғи асосида ташкил этилган. Бу лагерда 2500 га яқин асирларни сақлаш имконияти мавжуд эди [1]. 26-лагерь махсус соғломлаштирув лагери бўлганлиги сабабли дастлаб лагерга «қичишқоқ» ва ўпка касаллигига чалинган асирлар олиб келинган. Тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида 1943 йилнинг охирида бу касалликларнинг тарқалишига чек қўйилган.

Дастлаб ушбу лагерда немис ва итальян асирлари сақланган. 1945 йилнинг кузидан бошлаб лагерга япон ҳарбий асирлари ҳам олиб келинган. Немис ва япон ҳарбий асирларининг ўзаро тил бириктиришларининг олдини олиш мақсадида немис асирлари бошқа лагерларга кўчирилган.

Андижондаги 26-ҳарбий асирлар лагери икки қисмга бўлинган:

1. Андижон вилояти Избоскан тумани Чуама қишлоғида, «Пойтуғ» темир йўл станциясидан 15 км узоқликда лагер бошқармаси жойлашган.

2. Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Жанубий Оламушук қишлоғида лагернинг 1-бўлинмаси жойлашган. Бу бўлинма «Грунчмозор» темир йўл станциясидан 7,5 км узоқликда жойлашган. Ҳарбий асирлар лагерининг ушбу бўлинмасида 700 нафар атрофида япон ҳарбий асирлари сақланган [2]. Улар, асосан, «Нефтестрой» қурилишида, Жанубий Оламушук шаҳарчасининг бунёд этилишида, шаҳарчага олиб борадиган катта автомо-

биль йўли ва кўприкларнинг, қишки кинозал ҳамда касалхонанинг қурилиш ишларида қатнашганлар.

1966 йилда Жалақудуқ тумани Жанубий Оламушук шаҳарчаси «Бирлашган» маҳалласида туғилган Сирожиддинов Ҳакимжонҳожининг гувоҳлик беришича, унинг дадаси Махсумҳожи ота япон ҳарбий асирларига бригадир бўлиб ишлаган. Махсумҳожи ота шундай эслайди: «Бу ерга 700 нафар япон ҳарбий асири олиб келинган. Биз биргаликда янги ерларни ўзлаштирар эдик, шароитлар оғир эди, бу эса ўз-ўзидан шундоқ ҳам ҳолдан тойган япон ҳарбий асирларининг соғлиғи ёмонлашувига олиб келар эди. Тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамай, улардан тўрт нафари вафот этди ва шу ерларда қолиб кетишди» [3].

Андижондаги 26-ҳарбий асирлар лагерида, асосан, Квантун армиясида юқори мансабларда ишлаган зобитлар (лейтенант, майор, подполковник, полковниклар) сақланар эди. Ҳарбий асирлар, асосан, лагерь ҳудудидаги ер участкасида, лагерь қурилишларида, лагерга қарашли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган майдонда ишлаганлар.

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар орасида маҳаллий халқ вакилларидан ҳарбий асирлар лагерига назоратчилар тайинлангани ҳақида маълумотлар мавжуд. Маҳаллий халқ вакиллари атроф-муҳитни яхши билгани, маҳаллий халқ ва лагерь ходимларининг турли масалаларда бамаслаҳат иш олиб боришига имконият яратиш учун ҳам шундай қилинган.

Жанубий Оламушук ахлоқ тузатиш меҳнат лагери назоратчи ишчиларининг янги лавозимларга тайинланиши [4.176]

№	Ф.И.Ш	Туғилган йили	миллати	Партия-вийлиги	Эгаллаган лавозими
1	Сешников Михаил Иванович	1924	рус	КП аъзоси	Тиббиёт инспектори
2	Чуев Анатолий Иванович	1924	рус	КП аъзоси	Махсус қисм бошлиғи
3	Шляпин Фёдор Терентьевич	1910	рус	КП аъзоси	Конвой бошлиғи
4	Калилин Виктор Николаевич	1921	рус	КП аъзоси	Комендант
5	Петров Сергей Фёдорович	1902	рус	КП аъзоси	Ҳарбий клуб бошлиғи
6	Файзулянов	1917	татар	КП аъзоси	Бўлим командири
7	Хайбулин Миньяр Хакимьянович	1922	татар	КП аъзоси	Назоратчи
8	Телешин Николай	1923	рус	КП аъзоси	Бўлим командири

Ўзбекистонга олиб келинган ва ватанига қайта олмай вафот этган япон ҳарбий асирлари Андижон вилояти туманларига дафн этилган. 1945-1947 йилларда Жалақудуқ тумани Жанубий Оламушук қишлоғида 4 киши дафн этилган. 1945-1949 йилларда Избоскан тумани Чуама қишлоғида 30 киши дафн этилган. Бироқ 1956 йилга келиб кўплаб японлар қабри номаълум бўлган, борларида эса майитнинг номи ёзиладиган қабр тошлари йўқ, қабристонлар ташландиқ ҳолатга тушиб қолган. [5]. Мустақиллик йилларида давлатимизнинг ғамхўрлиги ва жонкуяр ватандошларимизнинг саъй-ҳаракати билан қабристонлар ободонлаштирилди. Ана шундай ишларда бошқош бўлган Сирожиддинов Махсумҳожи ота (1922 йилда туғилган) Жалақудуқ тумани Жанубий Оламушук қишлоғида япон ҳарбий асирларининг қабрлари жойлашган ерни аниқлаб, Андижон вилояти ҳокимлиги кўмагида уларнинг ҳар бирига қабр тошлари қўйиш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришда жонбозлик кўрсатган [6]. Ҳозирги кунга келиб унинг ишларини ўғли Нажмиддин Сирожиддинов давом эттирмоқда.

2002 йил 26 май куни ватандошларини зиёрат қилиш учун Андижонга ташриф буюрган собиқ япон асирлари ва уларнинг яқин қариндошларидан иборат делегацияни Р.Тиллабоев бошчилигида бир қатор уруш ва меҳнат фахрийлари кутиб олди. Делегация аъзолари Избоскан тумани Чуама қишлоғи ва Жалақудуқ тумани Жанубий Оламушук қишлоғида жойлашган ватандошларининг қабрларини зиёрат қилдилар [7].

Юқорида айтилган лагерларда япон асирлари қаторида Квантун армиясида хизмат қилмаган рус, украин, поляк, корейс, бурят миллатига мансуб асирлар ҳам сақланган. Булар «оқ муҳожирлар» деб юритилган. Буларнинг аксариятини турли хил сабабларга кўра совет давлатини тарк этганлар ташкил этар эди. Бу асирлар 1945 йилгача Манчжоу-Годаги япон разведкаси маъмурияти би-

лан ҳамкорликда иш олиб борганликлари учун қамалган эди [8]. Мисол учун, 1946 йилнинг декабрь ойида Примор ўлкаси ҳудудидан 97019-эшолонида контрразведка Давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари армия генерал-майори Колчаковской ва Шулькевич Борис Ананьевич назоратида 26-соғломлаштириш лагерига 1885 йилда туғилган, рус миллатига мансуб, япон ҳарбий миссияси (токуму кикан-армия разведка ташкилоти) аъзоси Гродеково олиб келинган. Бу каби «оқ муҳожир»лардан асирлар ичидаги яширин ҳолатни билиш ҳамда совет ҳукуматига қарши ташвиқот ишлари олиб бораётганлар ҳақида маъмурларга яширин маълумотлар етказиб бериш учун фойдаланишган.

Андижондаги 26-лагерга, асосан, касалликка чалинган ва меҳнатдан толиққан япон асирлари олиб келинган [9]. Лагерлар ўртасида асирларни алмаштириш ҳолатлари тез-тез учраб турган. «1947 йил 17 майда Андижон лагеридан Фарғонадаги 387-лагерга Квантун армиясида хизмат қилган офицерлардан таркиб топган 225 та япон ҳарбий асирлари эшолони йўлга чиқади. Улар таркибида кўплаб профессионал разведкачилар, штаб катта офицерлари, разед ташкилотлари ва жандармерия хизматчилари бор эди» [10]. Ушбу лагерларда юқори лавозимли ҳарбий асирлардан ташқари оддий аскар бўлиб асирликка тушганлар ҳам сақланган. Ҳар бир лагерда аскар ва кичик зобитлардан таркиб топган ишчи, меҳнатга лаёқатли асирлар мавжуд бўлган. Япон ҳарбий асирлари ватанимиз ҳудудларида жазо муддатларини ўташ билан бир қаторда улардан қишлоқ хўжалиги ва қурилиш ишларида ҳам фойдаланилган.

26-соғломлаштириш лагерларида сақланган ҳарбий асирлар дастлабки йилларда лагернинг ички ҳолатини яхшилашга ва лагерга қарашли ер участкаларида меҳнат қилишган. 1946 йилдан бошлаб ҳарбий асирлар турли хил қишлоқ хўжалиги корхоналарида корхона билан лагер ўртасида тузилган шартнома асосида ишлай бошлашди. Шу йили 250 киши дарё қирғоқларини мустаҳкамлашга, 200 киши ирригация тармоқларини тиклаш ҳамда тозалаш ишларига жалб этилган [11.433]. Бундан ташқари япон ҳарбий асирлари кўплаб бинолар, турар жой иншоотларининг ҳам қурилишида иштирок этишган. Бу ишларни улар конвой[1] назоратида амалга оширардилар. Япон ҳарбий асирлари собиқ иттифоқнинг шимолий ва шарқий ҳудудларидаги совуқ иқлимли ўлкаларга қараганда об-ҳавоси анча қулай бўлган Ўзбекистон шароитида меҳнат қилганлар. Улар ёрдамида қурилган турли хил бинолар, анҳорлар, кўчалар ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳарбий асирлар уруш қурбонлари бўлиб, улар тақдир тақозоси билан ўз ватанларидан узоқ юртларда асирликда кун кечиришга мажбур бўлганлар. Лекин ҳар бир воқеа-ҳодисаларнинг ҳам бошланиши ва интиҳоси бўлгани каби, уларнинг ҳам асирликдаги ҳаёти 1956 йил ниҳоясига етди. Япон асирларининг сўнгги 1025 та вакили 1956 йил 23 декабрда Россиянинг Находка бандаргоҳидан ўз ватанларига жўнатилган.

Адабиётлар:

1. Российский Государственный военный архив (РГВА). Ф. 1п, Оп.15а, Д.66. стр. 11.
2. РГВА, Ф. 1п, Оп.15а, Д.66, стр.13.
3. Шукуров С., Қодиров А. Кунчиқар мамлакат делегациялари Андижонда/ Андижоннома. – 2002. 31 май.
4. Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани ДА. 139-йиғма жилд, 1-рўйхат, 130-ҳужжат.
5. РГВА, Ф. 1п, Оп. 05е, Д. 231, стр. 44.
6. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Жанубий Оламушук шаҳарчаси. 2013.
7. Шукуров С. Память пронесённая сквозь десятилетие / Андижанская правда. – 2002, 29 май.
8. РГВА, Ф. 1п, Оп. 07е, Д. 1087, стр. 66.
9. Назирхўжаев М.Қ. 1945-1950 йилларда Фарғона водийсида япон ҳарбий асирларининг ҳаёти ва фаолияти / Наманган давлат университети. Фарғона водийси тарихи муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани. – Наманган. 2012.
10. 8. РГВА, Ф. 1п, Оп. 07е, Д. 40, стр. 58-59.
11.Региональные структуры ГУПВИ НКВД-МВД СССР. 1941-1951: отчётно информационные документы / под ред. М.М.Загорулько. Т. 5, кн 2. – Волгоград, 2005.

Тошкент вилоят давлат педагогика институти,
2013 йил 12 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.н. Б.Расулов)

[1] Конвой – лагер ва қамоқхоналардаги асирларни қўриқлаш ҳудудидан ташқарида қўриқловчи ҳарбий